



## ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Сотиб олиш мавзуси Услухи и выполнение работ по  
техническому круглосуточному обслуживанию  
система охранно-пожарной сигнализации  
Блюнд Орион ПРД.

Буюртмачи: Управление эксл.  
Администрации районного управления  
Министерства экологического  
развития и сокращ. бедн. РУз

Тошкент – 2022 йил.

1



## А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (22.04.2021) ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширади.

### Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танловни ўтказиш очик турда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қабағалликни қисқартириш вазирлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармасидаги ҳаражатлар сметасида ажратилган Маъмурий бинолардан ёнғинни олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёнғинни автоматик тарзда ўчириш, хабарлаш ва қўриқлаш қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш хизматларни кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

**Тўпламлар сони: 3 ой давомида**

**Хизматларнинг максимал нархи: 54 000 000 сўм.**

**Хизмат кўрсатиш муддати: 3 ой.**

**Танловни ўтказиш тартиби: электрон шаклда**

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғисиз билан.

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

### 2. Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси балансида бўлган Маъмурий биноларда ёнғинни олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёнғинни автоматик тарзда ўчириш, хабарлаш ва қўриқлаш қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш хизматларни кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

**Буюртмачи** – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қабағалликни қисқартириш вазирлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси;

Манзили: 100003, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Каримов кўчаси, 45А уй;

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат харидлари бўйича раис Собир Хафизов;

Тел.: (71) 232-64-78.

### 3. Танловда қўлланиладиган тил

Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланади.

## ЎТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КўРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

### 1. Умумий маълумотлар

1.1. Хизматларнинг тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қабағалликни қисқартириш вазирлиги Маъмурий бинолардан ёнғинни олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёнғинни автоматик тарзда ўчириш, хабарлаш ва қўриқлаш қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш.

Бажариладиган хизматларнинг бир ой давомидаги миқдори 1-жадвалда келтирилган.



1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қабағалликни қисқартириш вазирлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси.

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 31 март 2022 йилгача.

1.5. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан.

1.6. Хизмат кўрсатувчи ташкилот Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қабағалликни қисқартириш вазирлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси биносида ишлаши учун 4 нафар ходим ажратиши шарт. Ажратиладиган ходимлар малакали ва ўз ишини яхши биладиган бўлиши шарт. Иш куни навбатчилик асосида ҳар кун ҳисобланади.

#### 1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қабағалликни қисқартириш вазирлиги Маъмурий бинолардан ёнғинни олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёнғинни автоматик тарзда ўчириш, хабарлаш ва кўриқлаш қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати.

№	Кўрсатиладиган хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1	Хужжатларни тайёрлаш ва юритиш	хизмат	4
2	"Орион ПРО" базасидаги ёнғиндан химоя қилиш бўйича сигнализация тизими	хизмат	1115
3	Ёнғин вақтида автоматик равишда ишлайдиган тутун тортиш укунани ишлатиш ва винтиляция тизимини ҳамда лифтни автоматик тўхтатиш	хизмат	4
4	Ёмғирлатиб ёнғинни ўчириш тизими	хизмат	751
5	Тутинни чиқариб юбориш тизими	хизмат	25
6	Ёнғинни ўчириш ва ишга тушириш системасининг насос станцияси	хизмат	6

### ТИЖОРАТ ҚИСМИ

#### Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар "Хизмат кўрсатувчи" ташкилот томонидан тўлиқ қопланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлов, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлов таклифлари



танлов савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

## **2. Танлов валютаси**

2.1. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

## **3. Етказиб бериш шартлари ва муддати**

2.2. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати 31 март 2022 йилгача деб белгиланади.

2.3. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва 31 март 2022 йилгача давом этади.

## **4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали**

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 30 %, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

## **5. Шартномани молиялаштириш манбаи**

5.1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси 2022 йил харажатлар сметаси ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.

## **Коррупцияга қарши курашиш бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР**

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ҳукумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

Буюртмачи:



№	Критерий	Вес категории %	
1.	Техническая оценка	70%	
2.	Ценовая оценка	30%	